Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши.
14 АВГУСТ 1971 й.
ШАНБА
№ 190 (1565).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

## Беш йиллик вахтасида

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ БУЮМЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ЁРҚИН САМАРАСИ

## УСКУНАЛАР МОСЛАШТИРИЛДИ

*Бугун*

Цехда хона ва кутубхоналарда фойдаланиладиган йиғма нарвонча ишлаб чиқарилади. Унинг конструкцияси янги бўлиб, фойдаланишда қулай ва ихчамдир.

Янги конструкцияни яратишда завод бош конструктори И. Гуревич билан етакчи конструктор Г. Сидоров ижодий изланишлар олиб бордилар. Шундай маҳсулотнинг дастлабки намуналари завод маркази лабораторияси ҳамда мутахассислар томонидан яхши баҳоланди.

Цехда сўнгги бир ярим ой ичида икки мингдан ортиқ болалар спортроллерлари тайёрланди ва савдо ташкилотларига юборилди. Шунингдек, уч ярим мингдан зиёд трактор-йиғув заводи халқ истеъмол буюмлари цехидаги барча ускуналар янги буюм ишлаб чиқариш учун мослаштириб бўлинди.

— Цехимизда ўттиздан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, — деди мастер А. Нуъмонов. — Янги маҳсулот болалар спортроллерлари билан бир вақтда ишлаб чиқарилади. Биз халқ истеъмоли буюмларини кўплаб ишлаб чиқариш билан бирга уларнинг сифатига ҳамда янги хилларини ўзлаштиришга катта эътибор бермоқдамиз.

## Сурғат ва ғайрат ошяпти

«КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этамиз» — шаҳримиздаги 9-шина-ремонти заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ана шундай шиор остида ишлаб, меҳнатда муҳим кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Корхона цехларида авж олдириб юборилган социалистик мусобақа ўзининг ёрқин самарасини беряпти. Буни коллектив аъзоларининг ўтган етти ойлик иш якунларидан ҳам кўриш мумкин.

Завод меҳнат аҳли етти ойлик топшириқни шараф билан адо этди. Шу давр ичида қишлоқ хўжалигимиз катта миқдорда қайтадан тикланган автопокришкалар олди. Буюртмалар тўла-тўкис бажарилди. Республика «Узсельхозтехника» бирлашмаси 621 та, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги эса 251 та шина олди.

Корхона коллективи эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун курашиб, иш суръати ва ғайратни тобора оширяпти.



**Валентина Попловская Тошкент асбобсозлик заводи 10-цехида ишлайди. Саккиз йилдан буён шу корхонада баракали меҳнат қилаётган бу моҳир деталчи доимо сифатли маҳсулот тайёрлайди.**

СУРАТДА: В. Попловская.

## Шаҳар-қишлоққа

### МЕХАНИЗАТОРЛАР КУРСИ

Пахтачилик машинасозлиги бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси дала механизаторларига ёрдам бериш мақсадида механик ҳайдовчилар курси ташкил этди. Унда Куйбишев, Октябрь, Киров районларидаги корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларидан юздан ортиқ киши ўқишмоқда.

Курсда механизаторлик касбининг ўзига хос сирларини ўрганиш учун кўпгина имкониятлар бор. Пахта териш машиналарининг намуналари ва уларга оид адабиётлар, ҳар хил кўргазмали қуроллар мавжуд.

Машғулотларни тадқиқот бўлимининг бошлиғи, техника фанлари доктори А. Каримов, тажрибали конструкторлардан Р. Алимуҳамедов, В. Медних ва бошқалар олиб бормоқдалар.

Механизаторлик курсини битирганлар Сирдарё областининг далаларида пахта теримида қатнашадилар.

## Тошкент-жаҳонга

### ХАРИДОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Тошкент лак-бўёқ заводи маҳсулотларининг чет эллардаги харидорлари кўпайиб боряпти. Буюртмачилар қаторига Нигерия мамлакати ҳам қўшилди. Бу ерга зарур маҳсулотлар жўнатилмоқда.

Корхона Болгария, Афғонистон, Яман мамлакатларининг буюртмаларини ҳам бажарди.

Монголия Халқ Республикасидаги қурилишларда Тошкент бўёқчиларига талаб катта. У ердаги қурилишлар учун эмал ва лакбўёқларининг катта партияси юборилди.

Корхона коллективи экспорт бўйича етти ойлик топшириқларини бажарди.

## Беш йиллик қурилиши

### БУХОРО КОМБИНАТИГА

Бухоро ип-газлама комбинати шу беш йилликнинг зарбдор қурилишларидан биридир. Бу ҳақда КПСС XXIV съезди Директиваларида битилган.

Улкан корхонанинг асосий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш Тошкентдаги 4-Давлат лойиҳа институти коллективи зиммасига юклатилган. Инженерлик иншоотларининг чизмалари эса «Узгипротяжпром» институтида ишлаб чиқилмоқда.

Шу йилнинг сентябрь ойида пойдеворлар ва қозонхоналарнинг каркаслари лойиҳаси буюртмачига топширилади.

## Тонгги газеталарда

◆ Кустанай области мамлакатимизнинг энг йирик галлакор районларидан биридир. Бу областда бир неча миллион гектар майдонда баҳори бугдой етиштирилади. 12 августда Кустанайдаги Касаба союзлар саройида Қозоғистон область партия комитети ва механизаторлар депутатлари область Советининг Кустанай областига ҳукуматнинг юксак мукофоти — Ленин ордени топширилди.

◆ **Олис Космик алоқа маркази, 13 август. Совет Луноходининг Ойдаги ўнинчи куни тугай деб қолди. 12-13 августда ўтказилган алоқа сеансларида ўзи юрар аппарат Ой юзасида ҳаракат қилишни давом эттирди.**

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Қорақалпоғистон область комитетининг органи «Жас Ленинши» газетасининг энг яхши хизмат кўрсатган ходимларини, штатсиз мухбирларини ҳамда «Правда»нинг 50 йиллиги номидаги Нукус полиграфия комбинатининг энг яхши намуна кўрсатган ходимларини шу газетанинг биринчи сони чиққан кунининг 40 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

## МИННАТДОРЧИЛИК ТУЙҒУЛАРИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг тайёрлов факультетини бу йил битирувчиларини ўнинчи марта олий ўқув юртларига узатди. Ветнамлик ёшлардан 150 ўғил-қиз бу факультетни муваффақиятли битирганликлари ҳақида гувоҳнома олдилар. Уларнинг бир қисми пойтахтимиздаги тўқимачилик ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, политехника институтларида ва университетда ўзлари истаган ихтисослик бўйича ўқишни давом эттирадилар.

*Кеча*

ветнамлик ёшларнинг бир группаси Минск, Ростов, Киев, Ленинград, Орел шаҳарларидаги институтлар қучоғига йўл олди. Тошкент аэропортида уларни тайёрлов факультети декани А. Акрамов ўқитувчилар ва ёшлар кузатиб қолдилар. Ветнам ёшларининг бошлиғи Тъу Ван Тхонг факультет ўқитувчиларига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Ўн йил мобайнида жаҳондаги 27 мамлакатнинг кўплаб ёшлари ана шу факультетни битирдилар.

### ОБ-ҲАВО

БУГУН

Тошкентда ҳаво очиқ. Кучсиз шамол эсмоқда. Ҳарорат 37 даражагача кўтарилди.

## САҲРОГА ҲУЖУМ

Бепоён Қарши чўли. Асрлар мобайнида сувга чанқоқ бу чўлда фақатгина янтоқ ҳамда аччиқ шувоқ ўсар эди, холос.

Янги беш йилликда бу ерга сахий Амударёнинг суви келади. Бу бепоён даштнинг суғориш ишларини амалга ошириш юзасидан ҳозир «Средазгипроводхлопок» институтининг лойиҳачилари иш олиб боришмоқда. Уларнинг лойиҳаси бўйича яқин келажакда 200 минг гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилади.

Институт бош инженерининг ўринбосари Вадим Игоревич Антонов бу ҳақда шундай дейди:

— Ҳозир коллективимиз бир миллиард кубометр ҳажмдаги сувни ўзида жойлаштирадиган Толимаржон сув омбори лойиҳасини тузишга киришди. Амударё билан Қашқадарёни бирлаштирадиган магистрал канал 350 минг гектар ерни суғориш имконини беради. Бу каналнинг тўғони «Гидропроект» институти коллективи томонидан лойиҳалаштирилди. Канал секундига 195 кубометр сув ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ сувни 130 метр баландликка кўтарадиган бақувват насос станцияси тўғони қурилиши бошлаб юборилди.

## ЭГИЧИЛАР БАЙРАМИ

*Бугун*

Тельман номли маданият ва истироҳат боғи байрам либоси кийди. Аттракционлар гавжум бўлди, ҳаваскорлар ижросида концертлар намойиш қилинди.

Спорт ва физкультура ҳақидаги ранг-баранг плакат ҳамда шиорлар дам олувчиларга

*Бугун*

Бутуниттифоқ физкультурачилар куни эканлигини эслатиб турди.

Богда ўтказилган Куйбишев район спортчиларининг стол тенниси, кураш ва гимнастика бўйича мусобақалари, айниқса қизиқарли бўлди. Мусобақа ғолиблари Фахрий ёрлиқлар ва мукофотлар билан тақдирландилар.

## БАРАКАЛИ МЕҲНАТ

Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетини II курс студентлари меҳнат семестрларини самарали ўтказяптилар. Шу кунларда студентларнинг бир группаси Сирдарё областининг Гулистон районида қурилиш ишларида банд. Улар бир қатор турар-жой ва маъмурий бинолларни тиклашда катта ҳисса қўшмоқда.

Бошқа бир группа студентлар Тошкент областининг Оржоникидзе районида мева ва сабзавот тайёрлашда деҳқонларга яқиндан ёрдам беришяпти. Учинчи группа факультетда ҳамда ётоқхонада ремонт ишлари олиб боряпти. Қисқа вақт ичида шу факультет студентлари истиқомат қиладиган 25-ётоқхонанинг уч қавати сифатли ремонт қилинди.

Ремонт ишларида студентлардан Р. Ҳамроев, А. Мансуров, С. Исмоилов, С. Бекмирзаева, М. Усмонова, М. Абдуллаева ва бошқалар ғайрат-шижоат кўрсатдилар.

## ЛЕНИНГРАДЛИКЛАРНИНГ ТУҲФАСИ

В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалида, Октябрь революциясига тайёргарликка бағишланган залда янги қимматли экспонат—В. И. Ленин «Давлат ва революция» асарининг биринчи нашри пайдо бўлди. Ленинград партия ташкилотининг ветеранларидан бири, «Компрессор» заводининг кутубхона ходими Ксения Васильевна Степанова ана шу нодир китобни юборган.

Ксения Васильевна ўзбекистонлик дўстларига юборган посилкада бошқа совғалар ҳам бор. Булар орасида «Коммунизмда болаларча сўллик касали»нинг биринчи нашрини, Ильичнинг 1918 йилда босилган «Революция сабоқлари» деган асарини, доҳий вафотидан кейин чиқарилган Ленин кутубхонасининг тўлиқ комплектини кўриш мумкин.

Бу посилка музей ходимлари учун кутилмаган бир нарса бўлмади. Посилка олинишидан олдин юборилган мактубда Ленинграддаги кутубхона ходимлари Тошкентдаги янги ташкил этилган музейни ўз оталигига олишга қарор берганликлари айтилган эди. Нева дарёси соҳилидаги шаҳарнинг энг кекса пролетар райони —собиқ Виборг томонидаги кутубхона ходимлари бу ташаббусни бошлаб бердилар. Кутубхона ходимлари билан биргаликда партия ветеранлари, революцион жангчиларнинг қатнашчилари ҳам Тошкент музейи учун нодир китобларни қидириб топишга киришдилар.

(ЎзТАГ).

## Пойафзал инженерлиги

**ТОШКЕНТ тўқимачилик ва енгил саноат институтида кириш имтиҳонлари қизғин боряпти. Пойафзал технологияси кафедрасининг кафедра мудири, доцент С. Хуснуддинов мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:**

**— 1963 йилдан пойафзал технологияси мутахассислигига студентлар қабул қилина бошланди. Бу соҳанинг биринчи мақсади маҳаллий саноат корхоналарини етук кадрлар билан таъминлашдир. Кафедранинг қошида ёрдами туфайли, ёшлар Ўрта Осиё иқлим шароитларига мос пойафзаллар технологиясини пухта ўрганмоқдалар.**

**— Аҳолининг пойафзалга бўлган эҳтиёжини ўрганиш борасида қандай тадбирлар олиб борилмоқда?**

**— Ўқув жараёнида уч марта практика ўтилади. Улар Тошкентда, Ўрта Осиё республикаларида, иттифоқ корхоналарида ўтади.**

**— Студентлар нинг пухта билим олиши учун шароитлар қандай?**

**— Кафедрамиз қошида учта — конструкциялаш ва бадиий безаш, ишлаб чиқариш технологияси ва пойафзал саноати машиналари лабораториялари бор. Улар малакали ўқитувчилар билан таъминланган.**

**— Бу мутахассисликда ўқиган собиқ студентлар ҳақида бирор гап айта оласизми!**

**— Албатта. Республика енгил саноати министрлиги масъул ходими А. Тўлаганов, 1-пойафзал фабрикасининг цех бошлиғи А. Абдуллаев ва бошқа кўплаб мутахассислар бизнинг собиқ студентларимиз. Уларнинг кўпи Ашхобод, Бухоро, Наманган, Фарғона шаҳарларидаги пойафзал фабрикаларида меҳнат қилишяпти.**

**— Бу йилги қабул ҳақида фикрингиз қандай!**

**— Бу йил енгил саноат факультетига юз киши, шундан, пойафзал мутахассислигига 25 киши қабул қилинади. Уларнинг билими синаб кўрилиши билан бирга, танланган касбига иштиёқи, меҳнат стажи ҳам эътиборга олинади. Албатта, пойафзал фабрикаларида ишлаган абитуриентларга алоҳида ҳамият берилади.**



Коммунист Бобоқул Ашуров 11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бошқармасининг пешқадам монтажчиларидан. Бу пешқадам қурувчи шаҳримиздаги кўпгина замонавий кошоналар, турар-жой бинолари қурилишида фаол иштирок этди. Шу кунларда Бобоқул Ашуров Пушкин кўчасида қад кўтараётган етти қаватли саноат объекти қурилишида фидокорлик билан меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: Б. Ашуров.

М. Нуриддинов фотолари.

## ЖАҲОН ОЙНАСИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон бош министри Индира Ганди жаҳондаги 23 мамлакат ҳукуматларининг бошлиқларига мурожаат қилиб, уларни Шарқий Покистоннинг кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоби Мужибур Раҳмон ҳаётини сақлаб қолмоқ учун Покистон ҳукуматига таъсир ўтказишга чақирди.

Мужибур Раҳмон Покистонда «уруш ҳаракатларини бошлаб юборди» деб айбланиб, махсус ҳарбий жавобгарликка тортилаётганлиги сабабли Индира Ганди шундай илтимос билан мурожаат қилди.

(ТАСС).

НЬЮ-ЙОРК. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири яхши хабардор ҳукумат манбаларига асосланиб Равалпиндидан йўллаган хабарида айтилишича, Халқ иттифоқ партиясининг раиси Мужибур Раҳмон Покистон ҳукуматининг махсус ҳарбий суди олдида жавобгарликка тортилган.

Покистондаги энг оммавий партиянинг раҳбари Мужибур Раҳмон «давлатга қарши фаолият билан шуғулланди ва Шарқий Покистонда уруш бошлаб юборди» деб айбланмоқда. Суд мажлислари тамомила маҳфий шароитда ўтказилмоқда.

УЛАН-БАТОР. Совет ва монгол ёшлари дўстлик фестивалининг қатнашчилари АҚШ агрессиясига қарши курашаётган Ҳинди-Хитой мамлакатларининг ёшлари билан бирдамлик митинги ўтказдилар.

Митингда қабул қилинган мурожаатда ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган мард Вьетнам халқи, Лаос ва Камбоджа ватанпарварлари билан қардошларча бирдамлик туйғулари ифода қилинди.

Биз, Монголия ва Совет Иттифоқининг ёш авлоди бутун дунёдаги прогрессив ёшлар билан биргаликда Америка империализми ва унинг гумашталари бошлаган агрессияни ғазаб билан қоралаймиз, бу разил урушни тўхтатишни ва Ҳинди-Хитой халқларига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини бериб қўйишни АҚШ ҳукуматидан қатъий талаб қиламиз, деб таъкидланади ҳужжатда.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Ташқи ишлар министри Сваран Сингх Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари У Танга мактуб йўллади. Мактубда Мужибур Раҳмонни суд қилдирмаслик ва унинг ҳаётини омон сақлаб қолмоқ учун тошилинг чоралар кўриш илтимос қилинди.

(ТАСС).

## ЎҚУВ КОРПУСИ

Кафанов кўчасида яна бир кўп қаватли муҳташам бино фойдаланишга топширилди. Фармацевтика институти студентларига мўлжалланган салобатли иморатни 3-қурилиш трестининг 30-бошқармаси бунёдкорлари қуришди. Бўлажак доришунослар бу бинода фан сирларини мукаммал эгаллашлари, назарий билимларини амалда синаб кўришлари учун барча қулайликлар мавжуд.

Замонавий асбоб-ускуналар, лабораториялар, кенг ва ёруғ аудиторияларга «Пардозлаш» трестининг 28-бошқармаси азаматлари жило бердилар.

Биринчи сентябрдан бошлаб янги бинода машғулотлар бошланади.

● ГАСТРОЛЬ МАВСУМИ

## «Баҳор» сафари

*Бугун*

тонгда Ўзбекистон «Баҳор» давлат рақс ансамбли коллективи Хоразм ва Қорақалпоғистон томошабинларига маданий хизмат кўрсатиш мақсадида гастроль сафарига жўнаб кетди. Санъаткорлар бир ой давомида ўттиздан ортиқ концерт берадилар.

Томошабинларга янги программадаги «Беш қарсак», «Хоразм лазгиси», «Мақом», афғонча, форсча рақслар намойиш этиладн.

Санъаткорлар орасида ансамблнинг бадиий раҳбари, СССР халқ артисти Мукаррама Тургунбоева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Р. Низомова, Р. Шарипова, В. Романова ва бошқа етук раққосалар бор.

Гастролнинг асосий мақсади шу кунларда далаларда бетиним меҳнат қилаётган пахтакорларга яхши маданий хизмат кўрсатишдир.

Шундан кейин, ансамбль коллективи Болтиқбўйи республикалари сафарига ҳозирлик кўради.

## «ҚАЛДИРҒОЧ» ПАНСИОНАТИ

«Ташэлектросеть» бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари учун Тошкент денгизида янги дам олиш пансионати фойдаланишга топширилди. «Қалдирғоч» деб аталадиган бу оромгоҳ қатор-қатор коттежлар, қайиқ станцияси ва бошқа бинолардан иборат. Оромгоҳга минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган.

Ҳозир бу ерда юзлаб кишилар дам олмоқда.

*Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетида*

# ҚУРИЛИШ КОМИТЕТИНИНГ МУҲИМ РОЛИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси 153-трест қурилиш комитетининг иши ҳақидаги масалани қараб чиқди.

Бюро шуни таъкидладики, бирлашган қурилиш комитети ва бошқармаларнинг қурилиш комитетлари меҳнатни ташкил қилиш ҳамда трест ишчилари турмушини янада яхшилаш юзасидан маълум ишларни қилган. Трестда 2300 дан ортиқ ходим бор. Коммунистик меҳнат учун мусобақада 69 бригада қатнашмоқда. 44 бригадага бу фахрли ном берилди. Трест рационализаторлари ва ихтирочиларининг 23 таклифини ишлаб чиқаришга жорий қилиш шу йилнинг ўзидагина 81 минг сўм иқтисодий фойда олиш имконини берди.

Ишчиларни социал страхование қилиш, уларнинг дам олишини ташкил этиш ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари яхшиланди.

Трест клуби қошида бешта бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган бўлиб, унда 300 киши иштирок этади, тематик кечалар ўтказилиб, оммавий спорт ишлари олиб борилади.

Шу билан бирга, бу трест касаба союз ташкилотлари ишида бир қатор камчиликлар ҳам бор. Бирлашган қурилиш комитети, бошқармаларнинг қурилиш комитетлари социалистик мусобақани ташкил қилиш ва коммунистик меҳнат учун курашни намуналй йўлга қўйишда, қурувчиларнинг меҳнат ва турмушини ташкил қилишда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаяптилар. Бошқармалар, бригадалар ва участкалар коллективларининг мусобақа шартларни конкрет кўрсатиб берилмаган.

1000 ишчи хизмат қилаётган 69 бригададан фақат 30 таси хўжалик ҳисобига ўтганлиги ҳам бежиз эмас. Иш вақтининг беҳуда сарфланаётганлиги ҳам ташвиш туғдирмоқда. Меҳнатни тўғри ташкил қилмаслик туфайли, трест бўйича 20 процент вақт бекорга ўтган. Уларни бартараф қилиш ҳозиргисига қўшимча йилига 50-60 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш имконини берарди. Ишлаб чиқариш интизоми паст, ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилик қисми ишга кечикиб келади. Кадрлар қўнимсизлиги ҳамон давом этмоқда. Фақатгина ўтган ярим йил давомида турли сабабларга кўра умумий ишчиларнинг 29 процента ишдан кетиб қолди.

Шунга қарамай, бирлашган қурилиш комитети меҳнат интизоми ҳақидаги масалани муҳокама қилганда уни мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрмаяпти.

Механизмлардан фойдаланиш коэффицентининг пасайиши давом этмоқда. Машина, кран, жиҳозларнинг бекор туриб колиши йил бошидан буён 89,4 минг сўм зиён келтирди. Бирлашган қурилиш комитети ва бошқармаларнинг қурилиш комитетлари қурилиш ишларининг сифатига етарли эътибор беришмайди. Бу йил фойдаланишга топширилган 13 объектдан фақат олтитасигина «яхши» баҳо олди.

Социалистик мусобақага бошчилик қилиш етарли бўлмаганлиги туфайли, трестда илғор тажрибалар мактаби ташкил топмаган. Мусобақалар натижасини эълон қилиш ва ўзаро таққослаш йўлга қўйилмаган.

Масалан, 14-қурилиш бошқармасидаги В. Румянцев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси оширилган социалистик мажбурият олди. Беш йиллик планни тўрт йилу етти ойда бажаришга қарор қилди. Аммо бирлашган комитет ватанпарварлик ташаббусига юксак баҳо беролмади. Бунн барча коллективз ўртасида кенг тарқатмади. Иккинчи бир мисол. Трест коллективи 2-тикув фабрикаси ҳамда озиқ-овқат корхоналари комплексини муддатидан илгари шу йилнинг биринчи майигача бажариш мажбуриятини олганди. Аммо шу вақтга қадар бу объектлар қурилиши ниҳоясига етказилгани йўқ. Натижа ўз-ўзидан маълум. Олтита қурилиш бошқармасидан фақат 1 ва 2-қурилиш бошқармаларигина олти ойлик планни бажарди.

Трест 1971 йилнинг олти ойи мобайнида бош пудрат ишлари планини 106,7 процент бажаргани ҳолда, ўз кучи билан қуриш планини фақат 92 процент бажарди.

Шуни таъкидлаш лозимки, шу вақтга қадар доимий ишлаб чиқариш кенгашининг иши етарли даражада уюштирилмаяпти. 31, 3, 14-қурилиш бошқармаларининг қурилиш комитетларида ишлаб чиқариш кенгашининг ишлари давр талабига мутлақо жавоб бермайди. Уларнинг плани йўқ, кенгаш ҳеч қандай тайёргарликсиз ўтказилади. Кенгашни ўтказишга ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, ихтирочи ва рационализаторлар кам таклиф этилади.

Шаҳар партия комитетининг бюроси мажлислар ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш ҳамда техника хавфсизлиги қоида ва нормаларига амал қилишдаги камчиликларни кўрсатиб ўтди. Ишчи ва хизматчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжини қондиришга етарли эътибор берилмаётганлигини таъкидлади.

Бюро бирлашган қурилиш комитетининг ташкилий ишидаги бир қатор камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Тўғри, трест партия ташкилоти касаба союз активининг фаолиятини яхшилаш ишига ёрдам бераяпти. Партия комитетининг аъзолари (секретари М. Орлов) улар билан тез-тез маслаҳатлашиб, ишмага эътибор бериш кераклигини айтиб туради. Аммо бирлашган қурилиш комитетининг ишидаги камчиликлар шуни кўрсатадики, партия комитети касаба союз ишини яхшилаш юзасидан тез-тез қарор қабул қилади-ю, аммо унинг бажарилишини назорат қилмайди.

Бюро трест партия комитети ва қурилиш комитетига ташкилий ишларни яхшилаш орқали социалистик мусобақа ҳамда коммунистик меҳнат учун ҳаракатни бошқаришда тубдан ўзгариш ясаш вазифасини юклади. Касаба союз ташкилотининг асосий вазифаси бутун коллективни давлат плани ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиб, қурилиш ишлари сифатини яхшилашга қаратишдан иборат бўлиши лозим. Қурилиш комитетига бригада, участка ва бошқармалардаги илғор тажрибаларни оммалаштириб, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш вазифаси юкланди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси бирлашган қурилиш комитети диққатини социалистик демократияни ривожлантириш асосида меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кўпроқ жалб этиш, уларни юксак ғоявийлик руҳида тарбиялаш, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, коммунистик аҳлоқ принципи ва нормаларига эътибор беришга қаратди.

Трест бирлашган қурилиш комитети ва бошқармаларининг қурилиш комитетлари маъмурият томонидан меҳнат қонунчилигининг бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлигини таъминлашни қатъий назорат остига олишлари лозим.

## Позалик — саломатлик гарови

# Ҳаммаёқ кўркам

Бу ерда гап Чилонзорнинг иккинчи квартали ҳақида кетяпти. У худди ўрмонни эслатади. 8, 9, 10, 11, 12 ва 21-ҳамда бошқа уйларда истиқомат қилувчи кишилар бу ердаги дов-дарахтларни севиб парвариш қилишади.

Мисол учун 8-уйни олайлик. У яшил дарахтларга кўмилиб кетган. Анвойи гулларни айтмайсизми? Ана шундай уй атрофида ҳордиқ чиқарганга не етсин!

Уй комитетининг раиси Сергей Алексеевич Куклин шундай дейди:

— Пўлкаларнинг тозалигига биринчи ЖЭК фаррошлари қарашади. Ундан ташқари, бу ерда истиқомат қилувчилар ойда икки марта территорияларни саранжом-саришта қилишга чиқишади. Бу ишларни биз жамоатчилик асосида олиб бораяпмиз. Бу ерда жамоатчилик асосида гулларга қарайдиган гулчилар ҳам бор. Бизга болалар ҳам яқиндан ёрдам беришяпти. Болаларимизни фойдали меҳнат қилишга ўқитувчи-пенсионерлардан Л. И. Белова, М. Н. Петровалар ўргатишяпти.

Ҳовлимизда сув ҳавзаси, болалар майдончаси мавжуд. Эртаданкечгача бу ерда болаларнинг шўх кулгилари янграйди.

Бу ердаги уйларнинг бирида жамоатчилик асосида ташкил этилган кутубхона ишлаб турибди. Унга Л. И. Белова мудирлик қилади.

— Китобларни биз барча квартиралардан йиғамиз,— дейди у.— Қарабсизки, яхшигина кутубхонага ҳам эга бўлдик. Ҳозир бу ерда икки мингга яқин китоб бор.

Жамоатчилик асосида ташкил этилган клуб кишилар билан доимо гавжум. Бу ернинг ҳақиқий хўжайинлари болалардир. Педагог Ю. Г. Рогожин улар билан машғулотлар ўтказади, кинофильмлар қўйиб беради.

Хуллас, иккинчи кварталда олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

## ВАЪДА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Баҳорда шаҳримизда ободончилик ва санитария икки ойлиги ўтказилган эди. Бу тадбир натижасида, кўчалар, парк ва хиёбонлар бир мунча тартибга келтириб қўйилганди. Шундан бери, мана, уч ой ўтди. Бироқ, айрим ҳовли ва кўчаларда яна ахлатлар пайдо бўла бошлади.

Мисол учун, Гайдар проездини олиб кўрайлик. Бу ерда яшовчилар маҳаллаларидаги ариқларни апрель ойида тозалашган эди. Ахлатлар ҳам бундан уч ой муқаддам олиб кетилган эди. Ҳозир кўчанинг ифлослигига қараб бўлмайди. Бу ҳақда биз Ленин райкомхозини бир неча бор огоҳлантириб, ахлатларни ўз вақтида олиб кетиш зарурлигини айтдик. Лекин улар бунга панжа остидан қарамоқдалар.

Бултур ҳар куни эрталаб ахлатларни олиб кетгани самосваллар келар эди. Ҳозир эса райкомхозидаги ўрталар бунга ўзам барҳам бериб, маҳаллада, яшовчи хонадонлар ўзлари ахлат машина тўпишсин, дейишяпти. Шу сабабли, чиқиндилар ва ариқдаги ифлосликлар кўпайиб боряпти. Биз райкомхозга телефон қилдик. Улар яна ваъда беришди. Мана, ярим ой ўтган бўлишига қарамасдан, ҳали бирорта ҳам машина келгани йўқ.

В. БУХТОЯРОВ.



Кўплаб маҳалла комитетлари маҳаллаларидаги чиқиндиларни ўз вақтида тозалаб туришга катта аҳамият бершмоқда.

Сиз суратда фотомухбиримиз Ю. Бутусовнинг Қўйлиқ бозори ёнида ТошПИ студентлари Н. Нигмонов ва М. Юсупов ҳамда 10-синф ўқувчиси П. Степановларни ариқ тозалаётган ларида суратга олганлигини кўриб турибсиз.

# Уч номдаги кўча

Худди шундай. Бизнинг кўчамиз бир ерда Олтинкўл деб юритилса, иккинчи бир ерда Рисовой деб аталади. Рисовой кўчасининг тугалланишида эса яна бир учинчи номга — «Новий путь»га эга бўлади.

Кўча ён-атрофи чиқиндила, м е т а л л уюмлари, чуқурликлардан иборат кўплаб транспорт ўтадиган ерларда водопровод қопқоқлари ҳам йўқ. Кўчани чироқлар билан ёритиш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Иккинчи сменадан қайтаётган ишчилар ана шу чуқурликлардан, ифлосликлардан ўзларини минг оҳанга солиб, авайлаб ўтишади. Биз бу ҳақда Ленин район ижроия комитетини ва 17-ЖЭК маъмуриятини бир неча марта огоҳлантирдик. Хабарларимиз ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Ҳозир бизнинг уйимиз ёнгинасида қурувчилар янги уй қуришяпти. Ҳовлимиз эса худди қурувчилар омборини эслатади. Кичкинтойлар дам олиш майдончасини қурувчилар эгаллаб олишди. Ўриндиқлар синган, ариқлар ифлос ҳолга келтирилган. Буни қандай тушунса бўлади. Бу бир қўл билан қуриш, иккинчиси билан бузиш, деган гап-ку?!

Т. Кидралеев, А. Бондаренко, С. Неняйкин, 94-уйда истиқомат қилувчилар.

# ОШХОНАЛАР БЎЛМАГАЧ

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Кўплаб қурилиш майдонларида, трамвай ва автобусларнинг охирги бекатларида ва автобазаларда «ошхона» ёки «буфет» деб ёзиб қўйилган вивескаларни учратмаймиз. Шоферларга, ишчиларга бир стакан сув ёки кофе ичиш учун жуда қийналишга тўғри келади. Шунда ошхона ишчиларига шахсий ошпазлар ёрдамга келишади. Улар яхшилаб жой «ясатишиб», дастурхонларни безатишади. Ҳар хил озиқ-овқатлардан тайёрланган палов, лағмон, мастава, сомса ва шу каби бошқа овқатлар тезда эгаларини топади.

Ўтган куни эрталаб Жаҳон Обидова кўчасида ана шундай манзарланинг гувоҳи бўлдик. Ботаника боғининг эшиклари олдида ўнлаб машиналар турарди. Уларнинг ёнгинасида эса ғиштнинг устига ўтирган ёки туриб қўлида коса ушлаган шоферларни учратиш мумкин эди. Уларни Собир Раҳимов район МТС кўчаси, 2-тупик, 12-уйда яшовчи уй бекаси София Толипова «ўз лағмонлари» билан меҳмон қиларди. 133-мактабнинг 7-синфида ўқийдиган Эркин исмли бола онасига қарашиб, бўшатилган идиш-товоқларни тезлик билан олиб келарди. Ана шу вақтда С. Толипова милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ҳаммага маълумки, шаҳримизда уйда тайёрланган овқатларни сотиш ман қилинади. Шунга қарамасдан, баъзи бир районларда ана шундай қароғомоқларни кўплаб учратиш мумкин. Милиция ходимлари уларнинг кўпчилигини ушлаб, жавобгарликка тортишди.

Уйда тайёрланаётган овқатларнинг баъзилари медицина санитария қоидасига амал қилинмасдан, кўплаб ичак касалликларига сабаб бўлмоқда. Яхши ювилмаган косаларга лағмонларни сузиш ҳар хил касалликларга олиб келишини асло унутмаслигимиз керак.

Овқатланиш муассасаларининг раҳбарлари бу ҳақда тезда ўйлаб кўриб, ҳар бир лозим бўлган ерда ошхона очишлари керак. Жумладан улар кўчиб юрувчи ошхоналар ҳақида ҳам бош қотиришса ёмон бўлмасди.

Бундай ишга хўрандалар фақат раҳматгина айтишарди. Шахсий «ошпазлар»га эса иш ҳам қолмасди.

В. ҚОБУЛОВ.



## Планетамиз янгиликлари

# Бирлик ва жипслик

БЕРЛИН. Бу ерда Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг сиёсий бюроси Қримдаги учрашув якунларига тўла равишда қўшилганлигини изҳор қилди ва Э. Хонеккер докладини маъқуллади.

Қардош социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини КПСС XXIV съезди, Германия Бирлашган Социалистик партияси VIII съезди ва бошқа қардош партиялар съездлари қарорларининг ҳаётий кучини бу учрашув яна бир марта намойиш қилди, деб мажлисда уқдириб ўтилди.

(ТАСС).

# МУҲИМ БОСҚИЧ

БУХАРЕСТ. «Романия либере» газетаси қуйидагиларни ёзади: Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг комплекс программани маъқуллаган XXV сессияси, Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва фан-техника ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб қолди. Бу программа деб, таъкидлайди, газета, Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлиги соҳасида тўплаган тажрибани умумлаштирувчи ҳужжатдир.

Мақолада бундай дейилади: социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва иқтисодий интеграцияни тобора кучайтириш ҳар бир социалистик мамлакатни ва умуман жаҳон социализм системасининг иқтисодий имкониятларини кўпайтиради, шунингдек, мустақил давлатлар ўртасида ҳаққоний муносабатлар намунасини бутун жаҳонга кўрсатиб берадиган янги типдаги муносабатлар ўрнатиш имкониятини туғдиради.

(ТАСС).

# АҚШНИНГ ҚУРОЛЛИ ИҒВОГАРЛИГИ КЕСКИН ҚОРАЛАНДИ

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлиги вакили баёнот бериб АҚШнинг "Вьетнам Демократик Республикасига қарши янги қуролли иғвогарлигини кескин қоралади, 1971 йил 8 августда, дейилади баёнотда,Америка авиацияси ва артиллерияси Виньлинь районидаги Виньтяп жамоасини бомбардимон қилди ва тўпга тутди. Мана шу қуролли иғвогарлик натижасида тинч аҳолига катта зарар етказилди.

Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги АҚШ империалистларининг янги жиноятини кескин қоралади ва улардан Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ва хавфсизлигига қасд қилувчи ҳаракатларнинг ҳаммасини дарҳол тўхтатишни талаб этди.

# МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ЖАЗОИР. ТАСС мухбири В. Корзелев хабар беради:

Миллий экономика ривожлана борган сари Жазоирда малакали мутахассислар проблемаси тобора кескин проблема бўлиб қолмоқда. Ҳамма соҳаларда, саноат ва қишлоқ хўжалигида, транспорт ва маориф системасида кадрлар етмаётганлиги сезилиб турибди. Ёш республика «кадрлар қаҳатчилигини» тугатмоқ учун жуда кўп куч сарфламоқда. Бу ерда «технология институтлари» деб номланган ҳунар-техника билим юртлари ташкил этилганлиги бу масалани ҳал қилиш йўлларидан бири бўлди.

Ҳозирги вақтда Жазоир Халқ Демократик Республикасида мана шундай типдаги 30 га яқин ўқув юрти ишлаб турибди. Уларнинг мақсади ўрта техника маълумотига эга бўлган мутахассислар, техниклар, механиклар, агрономлар, малакали пиҳчилар, хизматчиларнинг айрим категорияларини тайёрлашдан иборат. «Технология институтлари»нинг бошқа ўқув юртларидан фарқи шуки, бу «институтлар»да машғулотлар ҳам дарсхоналарда олиб борилади, ҳам ишлаб чиқариш практикаси тариқасида ўтказилади.

(ТАСС).



**«Гаммнес»—Колумбияда қароқсиз болаларни шундай деб аташади. Минглаб болалар Богота кўчалари ва майдонларида дайдиб юришади. Улар ботинканн тозалаш, автомашинадан юк тушириш билан бир неча қора чақа олишга ҳозиру-нозир. Бу уларга ҳамиша насб бўлавермайди. Шундай пайтларда очлик туфайли улар чакана ўғирлик билан шуғулланишади.**

**Колумбиядаги «Тьемпо» газетасида чоп этилган бу суратда пойтахт кўчаларидан ўтаётган йўловчилар ҳамда тўполонга эътибор бермай, Хилма исмли аёл қароқсиз болалар билан дарс ўтаётган пайти тасвирланган.**

**ТАСС фотохроникаси.**

# СОВЕТ ТЕХНИКАСИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

СОФИЯ, Марицк қўмир хавзасининг Димитровграддаги «Смиренский» шахтасида қўмир қазиб чиқаришнинг механизациялаштирилган янги бир совет комплекси ишга туширилди. Бу комплекс совет техникасининг кончилик саноатидаги энг янги муваффақиятлари асосида қурилган бўлиб, Болгариядаги қўмир хавзасида ишлаб турган шундай комплексларнинг ўн учинчиси ҳисобланади.

(ТАСС).



**Жанубий Вьетнам халқ қуролли кучлари Америка-Сайгон қўшинларининг ҳарбий кучлари ва техникасига катта зарба бериб, актив равишда жанговар ҳаракатни давом эттирмоқдалар.**

**СУРАТДА:** Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг разведка отряди.

ВИА—ТАСС фотоси.

# УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

О. Генрининг «Фиръавин ва Хоран» деган ҳикоясининг қаҳрамони Сопи «Жануб осмони» ҳақида ҳам, Уртаер денгизи бўйлаб елканли кемада сузиб Неополитен кўрфазида туриб қолиш ҳақида ҳам орзу қилмайди. Унинг қалби оролдаги камерада уч ой қамалиб ётишни, уч ой ишончли бошпана ва таом билан таъминланиб дилкаш улфатлар орасида бўлишни истар эди...

Сопи ҳозир ўзининг Мэдисон хиёбонидаги курсисида яна типирчилаб қолди. Очлик азоби унинг озодликда узоқ юриб қолганлигини борган сари яхшироқ эслата бошлади. Бунинг устига куз ҳам ҳадемай келиб қолади.

— Вақт етди!— деб қарор қилди у, қаҳвахонада счет тўлаш дан бош тортганлигим учун олиб кетганларига анча вақт бўлиб қолди. Тошотар ошнам ҳам Олтинчи авенюдаги витриналарни қўмсаётгандир эҳтимол.

...Ўша куни Сопи ўзига маълум бўлган усулларнинг ҳаммасини қўллаб кўрди. Лекин бечорани ниш юришмадк. Полиция унга принципал равишда эътибор бермасди.

Ниҳоят қаҳрамонимиз бундан кўп йиллар илгаригидек кичик черков олдида пайдо бўлди. Унга якшанба кунидаги хорнинг ёқимли овози яна келиб эшитилди. У тротуар чеккасига ўтириб олиб тартиб сақловчиларни сабрсизлик билан кута бошлади. Лекин «фиръавин»лар келишмади.

— Бу аҳвол кишини ғазаблантиради,— деб хитоб қилди у,— ҳамкояларда тамомила бошқача-ку, мени аллақачон участкага олиб кетишлари керак эди-ку..

Шу вақт кимдир унинг елкасига қўлини қўйди. Ургилиб қараса кутилган фиръавин ўрнида эски дўсти Жо босиб турарди. У ҳам дайди ва ўғри.

— Эҳ, Сопи,— деб хитоб қилди Жо ва ҳўнграб ўзини унинг кўксига ташлади,— бизлар қанақа даҳшатли дунёда яшаяпмиз-а!

— Тўхта сенга нима бўлди ўзи!

— Оролга боришни истайман,— деб ингради Жо ва яна кўз ёшлари оқиза бошлади.

— Юр,— деди қатъий қилиб Сопи,— полиция участкасига ўт қўямиз. Шундагина бизни албатта қамаб қўйишади.

— Қамашмайди, гап ана шунда. Ҳеч нима бизга ёрдам беролмайди.

— !!!

— Мен оролдаги иссиққина камерага илинишг учун икки ҳафтадан буён ҳамма нарсани қилиб юрибман. Лекин бунинг фойдаси йўқ. Фиръавинлар афтидан бизнинг касбдаги кишиларни унитган бўлса керак...

Жо ҳўнграб юборди.

— Буни олиб ўқи,— деб мойланиб битган газета парчасини унга узатди у.— Бу жазолаш ҳақидаги қонунларни бекор қилиш учун кураш Комитетининг хабари.

Сопи хабарга кўз югиртиргач юзи ёришиб кетди.

— Шундай экан сен нима учун йиғлаяпсан ахир?! Бу ажойиб-ку. Бу ерда кузгача қамоқхона ва концлагерларнинг сони анча кўпаяди деб аниқ ёзилган... Мен биргина нарсадан ҳадиксираяпман. «Сузиб юрадиган қамоқхоналар» деган гап нима экан-а! Ёки бизни орол ўрнига эски пароходларга жойлаштиришадимикина—! Мен бунга бардош беролмайман. Чайқалишдан қутим учиб кўрқаман. Қолган ҳамма нарса жойида.

— Унақа эмас-да, ҳамма гап шунда,— деб хитоб қилди Жо,— шу йилнинг майини эсингга ол. Ҳамма қамоқхоналар қандайдир намойишчилар билан лиқ тўлдирилганди. Судларда уларнинг «ишлари» уйлиб ётибди. Айни ўшанда мени муддатидан илгари оролдан чиқариб юборишди,— деди кўрсиниб Жо,— камералар қандайдир студентлар учун зарур бўлиб қолганмиш.

Дўстлар бир неча минут жим туришди.

— Ҳа, азизим, — деб оғир очди Жо ниҳоят,— бизнинг олтин давримиз ўтиб кетяпти. Ҳозир Вьетнамдаги урушга қарши бўлган студентлар институт курсиларда эмас, оролда «ўтиришяпти». Оролда азалдан яшаб келувчи, қонуний ҳуқуқларимиздан маҳрум этилган бизлар эса Мэдисон хиёбонидаги курсиларда ўтиришибмиз.

А. ПРАВОВ.

[АПН]

# Ишқа ақшом

*Боболар ҳикоятидан*

## ТАЪЗИМ

1010 йил Беруний Хоразм шоҳи Абу Аббос Маъмун илтимосига кўра Журжондан Урганчга келди. Хоразм шоҳи уни иззат-икром билан кутиб олди. Маъмун илм ва адабиёт ҳомийси бўлиб, Урганчда «Маъмун академияси» илмий марказини ташкил қилди, бунга ўша даврнинг таниқли олим ва шоирларини жалб этди.

Беруний ҳақиқий инсоний ҳислат ва камолотга етган илмий фазилатларни кўрган Хоразмшоҳ буюк олимдан давлат ишларини бошқаришда маслаҳатлар олиб турди. Ҳаттоки, Берунийнинг айтишича, «у сабот билан бошчилик қилиш амалини» берди. Шоҳ билан Беруний ўрталаридаги муносабатнинг қай даражада эканини Берунийнинг ўз қўли билан ёзган қуйидаги ҳикояси яққол кўрсатади:

«Бир кун Хоразмшоҳ май ичиб, отига миниб менинг ҳужрам томон юрган ва менинг чиқишимни буюрган. Лекин, мен бироз хаёлланиб борарканман, шоҳ юришини тезлатиб, менинг ҳужрам олдида тўхтади ва отидан тушмоқчи бўлди. Мен эгилиб, ёлбориб, унинг отдан тушмаслигини илтимос қилдим. Шоҳ бунга қарши қуйидаги арабча шеърни ўқиди:

«Илм ҳар қандай шоҳликдан юқори туради, унга ҳар ким ўзи боради, лекин у ҳеч кимга ўзи келмайди, у ҳеч кимга ялинмаса ҳам одамлар ўзлари унга интиладилар».

Хоразмшоҳ бу муомаласи ва сўзлари билан менда ўзига нисбатан миннатдорчилик ҳисси уйғотган бўлишига қарамай, мен унинг кейинги «агар халқимизда қабул қилинган бу урф-одатимиз бўлмаганида эди, ҳар ҳолда аввал сизни ўзимга чақирмаган, балки ўзим сизга келган бўлардим, чунки фан қонуни ҳар нарсага ҳоким, дунёда ҳеч нарса фандан юқори бўлолмайди», деб арабча айтган сўзларидан ноқулай ҳолда қолдим.

**Қ. НОРХЎЖАЕВ.**

*Ёз гашти*

## ОРОМБАХШ ДИЁР



Салобатли тоғлар, биллур тиниқ сувлар, ям-яшил адирлар ва ранго-ранг гулчечаклар диёримиз файзига файз қўшади. Табиат ўлкамизга шундай чирой берганки, уни кишилар «Жаннатмакон ўлка» деб бежиз айтмайдилар. Заҳматкаш бу диёр кишилари фидокорона меҳнат қилиш билан бирга, сўлим жойларда дам олиб, кўнгилли ҳордиқ чиқарадилар.

Агар Фарғонага бориб қолсангиз, Ҳамзаободдаги Кўккўлда албатта сайр қилинг. Кўлга баланд қоядан қарасангиз, тиниқ осмоннинг бир бўлаги тоғ қучоғига тушиб қолибди, деб ўйлайсиз. Кўлдаги қайиқ ва катерларда сайр қилган кишининг ҳамма чарчоғи ёзилиб кетади.

Ҳозир диёримизда ҳар хил ноз-неъматлар ғарқ пишди. Қўли гул соҳибкорларимиз боғларда карсиллаб етилган узумларни эл дастурхонига тортиқ қилишяпти. Бундан тотиган ҳар бир киши «Умрингдан барака топ, соҳибкор» дейди. Иккинчи суратда андижонлик соҳибкор ўзи парвариш қилган узумзорда ҳосил йиғмоқда.

«Оқ олтин» далаларида ишлаб, кун қизиб кетган пайтда жимирлаб турган анҳор соҳилида бир пиёла чой ичиш нақадар роҳат! Сувни сийпалаб ўтган салқин шаббода терлаб-пишган чеҳраларни силаши нақадар ҳузурбахш этади!

Суратларни Фарғона ва андижонлик фотомухбирлардан Неъмат РАҲМОНОВ ва Адҳам МИРЗАЕВ ўртоқлар юборишган.

АЖАБ ДУНЕ ЭКАН

### Кенгурулар учун фирма

Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс шаҳрида дунёда биринчи марта кенгуру кўпайтирадиган фирма қурилди.

830 гектарлик майдонда кенгурулар бемалол яшаши ва ўсиши мумкин.

### Ўт хоккейи

Ҳиндистон шаҳарларидан бирида қизиқ бир қоида бор: агар ўқувчи ўт устида ўйналадиган хоккей машғулотига бормаса, унинг ўрнига ота-оналаридан бири бориши керак.

### Инсон генийлиги

Канадалик олим Генри Леманнинг 20 йиллик кузатуви натижасида инсон генийлиги қуйидаги ёшларда намоён бўлади: шоирларда 26—30, врачларда 33—34, рассомларда 30—35, ёзувчиларда эса 40—44 ёшда.

### Ит думини кесманг

Италиялик ветеринарлар иттифоқи шундай хулосага келди: «Ўз қувончини дум силкитиш билан ифода қилолмаган ит жиддий руҳий касалликка дучор бўлиши мумкин».

### Пулга сотиладиган даҳшатлар

Парижда фақат «даҳшатли фильм»ларни намойиш қилувчи «Стикс» кинотеатри ишга туширилди. Кинотеатр ходимлари арвоҳлару-жинлар қиёфасидаги кийимларни кийиб ишлайдилар. Ҳожатхона эшиги ҳам автомат-скелет ёрдамида очилади. Томошабинлар электр стулларига ўхшаш креслоларда ўтирадилар. Кинотеатр буфетида сотиладиган конфет ва лимонадлар ҳам эса «Заҳар!» деб ёзиб қўйилган.

*Аёллар, сизлар учун*

## Маслаҳатларимиз

Рўзғорда ишлатиладиган бидон ортиқча тақилайвериб ғашга тегмасин десангиз, унинг қопқоғига дорихона резинасидан олиб кийгизиб қўйинг.

* * *

Қаттиқ буралиб қолган силлиқ нарсаларни очишда қумли қоғоз (жилвир)дан фойдаланган маъқул.

* * *

Пиёз ва саримсоқни арчаётгандан кейин ҳиди келмасин учун, аввал қўлингизни нам туз билан ишқанг. Сўнг яхшилаб совунлаб ювинг.

* * *

Ванна узоқ вақтгача сақлансин десангиз, унга бирданига жуда иссиқ ёки жуда совуқ сув қуйманг. Акс ҳолда ёриқчалар пайдо бўлиши мумкин. Тозалаш учун кир совун ва сода аралашмаси билан тез-тез ювиб туриш кифоя. Занглаган жойлари сирка (уксус) билан артилса кетади.

* * *

Уй бекалари кўпинча совун олқиндиларини ташлаб юборишади, ваҳоланки, уни ишлатиш мумкин. Совун олқиндиларини уч қават эски капрон пайпоққа тўпласангиз совун билан мочалка ўрнида ишлатиш мумкин.

* * *

Торт турган картон коробкага битта олмэ солиб қўйсангиз, торт анча вақтгача қотиб қолмайди.

* * *

Олма юз терисини юмшатиб, йиртиратади. Бунинг учун уни сутда қайнатинг ва юзингизга маска тарзда суринг. Йигирма минутдан кейин маскани совуқ сув билан ювиб ташланг.

* * *

Хамиртуруш юзни силлиқлаштиради ва ҳужбузарларни йўқотади. Шуни ёдда тутингки, терингиз ёғлиқ бўлса, хамиртурушни илиқ сувда қаймоқ қуюқлигида эритинг ва юзга суринг, сўнг илиқ сув билан ювинг. Агар юз терингиз қуруқ бўлса, ўсимлик мойида эритилган хамиртурушдан фойдаланишингиз мумкин.

*Шаҳримиз кишилари*

## ПИРИ-БАДАВЛАТ

**Бир донишмандан одамлар шундай деб сўрашди:**

**— Туп қўйиб, палак ёзишнинг маъноси нима?**

**Донишманд жавоб берди:**

**— Одам боласи бутун умр ҳаётни гўзаллаштиради, бола-чақа қилади. Инсоннинг дунёга келишининг ўзи бир гўзаллик. Бу гўзаллик мангу давом этаверади. «Туп қўйиб, палак ёздим», деган гапнинг маъноси: яшадим, одамларга яхшилик қилдим, ҳаётни гўзаллаштириш учун бола-чақа ўстирдим», деган бўлади.**



**Ҳудди донишманд айтганидек, Тожибой ота ҳам туп қўйиб, палак ёзган нуроний кексаларимиздан бири. Отахон бир ўғил ва беш қизнинг сардори. Тожибой отанинг 150 невара, чевара ва аваралари бор.**

**Тожибой ота Исломов юз ёшга тўлди. Отахон умр бўйи деҳқончилик ва соҳибкорлик билан шуғулланади.**

**— Темирни занг, одамни ғам емиради, —дейди Тожибой ота.— Айниқса, асабини асраш умрнинг ҳикматидир. Асабини яхши сақлайдиган одам хумори дорилар, зеро, ичкилик ичмасин, ҳар хил заҳарлайдиган нарсалар чекмасин, доим ҳаракатни, меҳнатни севсин. Одамларга фақат яхшилик қилиш эса, умр лаззати эканини ҳеч ким унутмасин.**

**Шаҳримизнинг Киров районида яшовчи Тожибой ота Исломовни муборак юз ёшида қаридош-уруғлари ва ёр-дўстлари қизғин кутлашди.**

**Т. АШРАФХОНОВ.**

*Кекса юрак мавзулари*

## МАРД КИШИ

Элга ҳалол хизмат этар мард киши,
Яхшиликнинг барин тутар мард киши.
Эл буюрса этик билан сув кечиб,
Дўсту ёрни ҳурмат этар мард киши.
Мардлар доим элу юртни ўйлайди,
Давраларда яхшиликдан сўйлайди.
Ҳақ сўзлари доим шамширдай кескир,
Ғов учраса, бузиб ўтар мард киши.
Диёримда мард йигитлар беҳисоб,
Ўзи оқил, дили ўтлар беҳисоб
Шулар билан элимда ҳут-барака,
Доим мақсудига етар мард киши!

**Юрсинбек АРСЛОНБЕКОВ,**
пенсионер.

## ОСМА СОАТ

— Кечаси ухлар ҳамма,
Кучугим, мушукчам ҳам.
Нега соат ухламас,
Кечаси олмайди дам?
Онаси деди: — Тўғри,
Ҳамма ухлаб донг қотар.
Соат ҳам ухлаб қолса,
Ким бизларни уйғотар.

**Юнус ТОЛИПОВ.**

## ҲИКМАТГА МОЙИЛ ГАПЛАР

**Агар, бир киши оғзидагини бериб бошингни силаса, билмасанг, иккинчиси оғзингдагини олиб, оғзингдан қоп-қора қон қилади.**

* * *

**Мағрурона гўзаллик — совуқ, камтарона гўзаллик —иссиқ.**

* * *

**Оқлигига ишонмай, ҳадеб ушлаб кўраверсанг, оқини ҳам қора қилиб қўясан.**

* * *

**Номус ва ҳаё гавҳарни ақл чиғаноғида пайдо бўлади.**

* * *

**Аёллардаги майинлиликка ақлликнинг қўшилиши, улардаги гўзалликни боқий қилади.**

*Боланинг тили ширин*

### «РАТАП»

Шуҳратларникига меҳмон келган эди. Дастурхон бошида меҳмонлардан бири унга конфет узатди.

— Исминг нима?

— Шуҳрат.

Конфетни олиб, энди чиқиб кетмоқчи эди, ойиси уни тўхтатди:

Конфет берган қолангларга нима дейишинг керак?

— Ратап!— деди у ва жилмайиб кўйди.

**А. ТУРДИЕВ.**

### ТИЛЛА ТИШ ЧИҚАДИМИ?

Қизим Орзигул боқчадан келиб:—«Опа, битта тишим тушиб қолди»— деди. «Зарари йўқ, қизим, то мактабга боргунингча ҳамма тишинг тушади», дедим. «Вой, бувимларга ўхшаб қоламанми?»— деди Орзигул шошилиб. «Йўқ, ўрнига янги тишлар чиқади», десам, у—«тилла тиш чиқадими» деб сўради. «Ҳа» деб кулиб юбордим,— у эса тилла тиш чиқаркан деб, севинганича кўчага чиқиб кетди.

**Ёқутхон ҚОДИРОВА,**
кўп болали она.



«ХИРОМ АИЛАБ». Б. Мансуров фотоэтюди.

*Билиб қўйган яхши*

## Семириб кетмай десангиз

Тўлаликка ёки семизликка мойиллиги бўлган кишилар меъёрида овқатланиш зарурлигини, айниқса, эсда тутишлари керак.

Семириб кетаётган одамлар иштаҳанинг кўтарилишини ва ҳазм қилиш мақомининг ортиқча қўзғалишини пасайтириш мақсадида оз-оздан, лекин тез-тез овқатланиб туришлари лозим.

Тўйиш ҳиссини қондириш учун овқатга ҳўл сабзавот (карам, бодринг, шолғом, қовоқ, майда ошқовоқ), шунингдек, мева, резавор мевалар аралаштириб ейиш керак.

Семиз одамларга пирожное, қандли булкалар, сомса, макарон, қуймоқ, бутқа, блинчик, ёғли қайла ва умуман ёғли таомлар, пиво, ширин мевалардан ананас ва тарвуз кабиларни ейиш тавсия этилмайди. Ўрта меъёрда тухум еб туриш керак, лекин ундан батамом воз кечманг.

Шуларга риоя қилиш билан бирга, жисмоний машқлар ва спорт машғулотлари сингари қудратли воситаларни мунтазам ҳамда бир меъёрда бажаринг.

## КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Қиз турмушга чиқмоқчи бўлди ва бу ҳақда дадасига маълум қилди.

— У йигит ким ўзи, қизим?— сўради ота, —ахир, танишганларинг бор-йўғи энди ўн кун бўлди-ку. Уни севасанми?

— Дадажон, бу менинг ишим.

— У-чи? У сени севадими?

— Дадажон, бу унинг иши.

— Ахир, қандай қилиб рўзғор тебратмоқчисизлар? Иккаламизнинг ҳам касб-корларингни тайинг бўлмаса..

— Дадажон, бу энди. Сизнинг ишингиз.

* * *

Ўйин пайтида тепилган тўп иккинчи бор Афандининг бошига келиб тушган эди, у тутоқиб, «Пахтакор» ҳужумчисига ўшқирди:

— Ў, акаси! Шу тўпингни рақиб дарвозасига йўналтирганингда эҳтимол ҳисоб тенглашармиди?

* * *

Афанди ўғлини уйлантиргандан сўнг, орадан бир ҳафта ўтгач, янги кўчиб келган қўшниси ундан сўради:

— Насриддинжон, шу кунгача келининингизни кўрганим йўқ, анови тамаки тутатиб кетаётган куёв болами?

— Йўғ-е, келинимнинг худди ўзи-ку.

* * *

Эр воқеани судьяга тушунтирди:

Тоқатим тоқ бўлди. Мен энди бу одам билан сира ҳам яшай олмайман. Бизни, қандай бўлмасин, бутунлай-ажрим қилишингизни илтимос қиламан. Негаки, нлгари мен ишдан уйга келгач заҳоти, кучугим вовуллаб қарши олса, хотиним уй шиппагимни ҳозирлаб туриш билан кутиб оларди. Энди-чи, энди, тамоман бунинг тескариси бўляпти.

* * *

— Жонгинам, оила қурганимиздан кейин, бизнинг бир варакайга уч фарзандимиз бўлади?

— Буни сен қаердан биласан?

— Ахир, улар ҳозир онамларникида-да.

* * *

Лотерея сотиб олган хотин эрига деди:

— Агар ютуқ чиқиб қолса, ўзимга ажойиб янги пальто сотиб оламан..

— Борди-ю, ютмасанг-чи?— деди эр.

— Унда сен менга олиб берасан,— дея жавоб қилди хотин.

* * *

Мижоз сартарошхонага кириб келди:

— Асссалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

— О, бугун сизда навбат йўқми дейман-а?

— Эрталабдан буён ўтирибман, бирорта шайтон ҳам қадам босмади. Мана, сиз биринчиси.

* * *

Эр-хотин дераза ёнида туришарди.

— Кўраяпсиз, эмин, адаси, кимнингдир эри жуда ғамхўр экан, ҳатто ювилган кийимларини дордан йиғиштириб оляпти,— деди хотини.

— Ғамхўр бўлса ғамхўрдир, менимча, у бизнинг кийимларни йиғиштириб олаётгани-ку,— деди эри.

## Латифалар



*РАССОМ ТАБАССУМИ*



**Музейга кирган киши:**
**— Рассом талантли экан, қишга ўтни ғамлашни эсга туширди.**



**Бола: Ойи, бугун тушимда менга конфет бердингиз.**
**Она: — Ўзимга ўхшаган муғомбирсана, ма, конфетни ола қол.**




**— Оп, вайсақи, сўз ҳам, қулоқ ҳам сенга!**



**— Ишни эплолмадим, бу тўғри, лекин яхшилаб характеристика ёзиб берсангиз бўшаб кетишим мумкин.**


**А. Ҳолиқов расмлари.**

# ЭПЧИЛЛИК ВА МАҲОРАТ БАЙРАМИ





## БУГУН—БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ





## РДЛИК

40 га яқин янги рекордини ўрнатдилар.

Физкультурачи л а р байрами кунида республикамиз пойтахтининг аҳолиси кўплаб спорт мусобақаларини кўришлари мумкин.

«Старт» стадионида волейбол шинавандалари Ўзбекистон биринчилиги учун бўлиб ўтадиган ўйинларни кўришади.

«Текстильщик» стадиони қавзасида эса ватерполистларн и н г қизиқарли ўйинлари бўлиб ўтади. Марказий «Пахтакор» стадионининг теннис майдончасида Ўзбекистон ССР кубоги учун мусобақалар бўлади.

Футбол бўйича Тошкент биринчилиги учун бўлиб ўтадиган ўйин кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Бу учрашув «Инструментальщик» ва «Восток» стадионларида бўлиб ўтади. Марказий «Пахтакор» стадионининг шахмат клубида эса шахматчилар ва шашкачиларнинг IX спартакиада программасига мувофиқ, шаҳримиз маҳаллалари орасида мусобақаларни қўриш мумкин. «Текстильщик» стадионида гимнастикачилар ўз клубларининг биринчилиги учун мусобақалар олиб боришади. «Меҳнат» ва ДСО спорт майдонларида волейболчилар куч синашади. Волейболчиларнинг бу ўйини V спартакиада программасига мувофиқ ўтказилаётган бўлиб, бунда Тошкент қурувчилари қатнашишади.

Э. Саадн ва кўплаб бошқа спортчиларнинг номлари кўпчиликка таниш, албатта-

қари, шаҳримиздаги спорт ташкилотларида ишлаш учун 903 жамоат инструктор ва

булар спортчилар спортнинг ҳар хил турлари бўйича Ўзбекистоннинг

## «Локомотив» олға интилмоқда

Футбол бўйича СССР чемпионатининг биринчи лигасида навбатдаги ўйинлар бўлиб ўтди. Бунда пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Москва темирйўлчилари навбатдаги ғалбани қўлга киритишда. Улар пойтахтда, Кутаисининг «Торпедо» спортчиларини қабул қилишиб, 5:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. 25 ўйиндан 38 очко тўплаган «Локомотив» футболчилари ҳамон пешқадамликни қўлдан бермаяпти.

Иккинчи ўринда бораётган Днепропетровскнинг «Днепр» спортчилари ўзларининг навбатдаги ўйинларини Ярославлнинг «Шинник» командаси билан ўтказиб, 2:1 ҳисобида ютишди ва 25 ўйиндан 36 очко тўплашди,.

Учинчи ўринни эгаллаб турган Одессанинг «Черноморец» футболчилари эса Қозоннинг «Рубин» спортчилари дарвозасига бешта жавобсиз тўп киритиб, 25 учрашувдан 35 очко тўпладилар.

«Черноморец» командасидан беш очко орқада бораётган ва тўртинчи ўринни эгаллаб турган Ивановонинг «Текстильщик» футболчилари ўз майдонларида Харьковнинг «Металлист» командасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Свердловскнинг «Уралмаш» командаси билан Риганинг «Даугава», Астраханнинг «Волгар» спортчилари билан Душанбанинг «Памир» командалари ўртасидаги ўйин 1:1 ҳисобида тугади.

Кишиневнинг «Молдова» спортчилари Запорожьенинг «Металлург» футболчиларини ўз майдонида қабул қилиб, рақиблари дарвозасига битта тўп киритишди. Запорожьеликлар эса рақибларининг урган бу тўпига битта ҳам жавоб қайтара олишмади.

Ашхободда «Строитель» командаси ўз майдонида Қарағанданинг спортчиларини қабул қилди. Кизиқарли ўтган бу ўйин 2:1 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди.

Оржоникидзе н и н г «Спартак» ва Фрунзенинг «Олға» командаларининг учрашуви, айниқса қизиқарли бўлди. Бунда ҳужумчилар рақиблари дарвозасини саккиз марта ишғол қилишди. Тўпларнинг бештасини «Спартак» футболчилари, учтасини фрунзеликлар киритишди.

Куйбишевда майдон эгалари Ленинграднинг «Динамо» футболчиларини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғолиб чиқишди.

Кемеровонинг «Кузбасс» командаси билан Вильнюснинг «Жальгирис» футболчилари орасидаги учрашувда ҳисоб очилмади.

● СПОРТ

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент денгизида сув остида мўлжалга аниқ сузиш бўйича бўлиб ўтган мусобақалар тугади. Бу учрашувларда шаҳримиз спортчилари билан биргаликда Хоразм области сузувчилари ҳам иштирок этишди. Мусобақа кундалигига сув остида икки хил машғулот ўтказиш ва тўппончадан ўқ отиш киритилган эди. Ҳар бир команда ўсмирлар ва эркаклардан ташкил топган эди. Ўсмирлар биринчи бор сув остида икки хил қийин машғулот ўтказишди.

Тўрт кун давом этган бу мусобақаларда тошкентликлар биринчи ўринни эгаллашди.

**М. САБЛИКОВ,**
**республика тонфасдаги судья.**

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.


# Реклама ва Эълонлар

## ТЕАТР

МУКИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/VIIIда Лақма, 15/VIIIда Хотинимнинг эри.

## Кино

**14 АВГУСТДА**
**ҚИШКИ БИНОДА**

«Авлиё Лука»нинг қайтиши — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ҳомий — «МОСКВА» «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Эркаклар ёзи — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Осмон секин юради — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кечқурун).

Сингилгинам Керри — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кечқурун).

Мардлар ўқ ўтмайди — «ҲАМЗА» (кечқурун).

Оливер — «МОСКВА» (кеч 9да).

**ЁЗГИ БИНОДА**

Ужар қизнинг қуйилиши — «РАКЕТА».

Қизни изланг — ТЕЛЬМАН номли.

Эркаклар ёзи —«ФЕСТИВАЛЬ».

Мардлар ўқ ўтмайди—«ХИВА».

**15 АВГУСТДА**
**ҚИШКИ БИНОДА**

«Авлиё Лука»нинг қайтиши — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳомий — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, 11.40 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Эркаклар ёзи — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Осмон секин юради — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сингилгинам Керри — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Мардлар ўқ ўтмайди — «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

Оливер — «МОСКВА» (кундуз соат 1.20 минут, кеч 9да).

**ЁЗГИ БИНОДА**

Ужар қизнинг қуйилиши — «РАКЕТА».

Қизни изланг — ТЕЛЬМАН номли.

Эркаклар ёзи —«ФЕСТИВАЛЬ».

Мардлар ўқ ўтмайди—«ХИВА».

## ТЕЛЕВИЗОР

**14 АВГУСТ**

**ШАНБА**

ВУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ.

**Биринчи программа. Тошкент кўрсатади.** 18.00 Бугун Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 19.00 «Ахборот» информацион программаси. 19.15 Эстрада шинавандалари, сизлар учун! Мухтор Содиқов куйлайди. 19.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 20.00 Р а н г л и т е л е в и д е н и е. Футбол бўйича СССР чемпионати. ЦСКА—«ДИНАМО» (Москва). 21.45 Рангли телевидение. Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Хельсинкидан олиб кўрсатилади 22.45 «Вақт» информацион программаси. 23.15 Концерт. 00.15 Ҳужжатли фильм. 00.30 Рангли телевидение. Рус операларидан сахналар. 01.10 Москва кўрсатувларининг охири.

**Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.00 «Бағишлов». Ҳужжатли фильм. 20.50 Цирк томошалари. 21.50 Халқ ҳофизлари концерти. 22.10 «Виринея» Бадиий фильм.

**Учинчи программа. 17.35 Душанба кўрсатади.**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

## „ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ“

15 АВГУСТДАН 5 СЕНТЯБРГАЧА

# МАКТАБ БОЗОРИНИ ОЧАДИ

Қуйидаги магазинлар савдосида мактаб формалари ва ўқувчилар кийимларининг кенг ассортименти мавжуд.

1 — Ш. Руставели кўчаси, 13-уй;

8 — Муқимий кўчаси, 7«б» сектор, 23-уй;

21 — «Тоҳир ва Зуҳра» — Октябрь бозори;

36 — Новомосковская кўчаси, 17-уй;


41 — Фарҳод кўчаси, шаҳар ярмаркаси;

54 — Луначарск маркази;

55 — «Октябрь» турар-жой массиви;

56 — «XXI партсъезд» турар—жой массиви;

74 — Госпитал бозори.







*„Таштекстильшвейторг“ магазинларига хуш келибсиз!*

«ПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

(А. Марсьев кўчаси, 27-уй), инженер ва техниклар; вентиляция, монтаж ва тайёрлаш бўйича слесарлар; электр пайвандчилар, электр кранчилар, бўёқчилар, юмчилар

**КЕРАК**

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4 уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ва район ижроия комитетлари қузуридаги инспекторларга учрашилсин.


## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ


Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети 11 — ҳунар-техника билим юрти

**1971-1972 ўқув йили учун**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**БИЛИМ ЮРТИ:** электромонтёрлар, тақсимлаш қурилмалари бўйича, ёритиш ва кучли қурилмалар бўйича, саноат ускуналари эксплуатацияси ва тузатиш бўйича, электрослесарлар, ювелирлар тайёрлайди.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 14 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

**ЎҚУВЧИЛАР — ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДА БЎЛАДИЛАР,** Ўқиш даври иш стажига қўшилади.

Билим юртида кечки мактаб ва техникум, спорт зали ва клуб мавжуд.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари доимо ишлаб туради.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар техникумларга юборилади.

Ўқиш муддати— бир ва икки йил.

**Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.**

Кирувчилар: ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, турар жойидан справка, 3х4 сантиметр ҳажмдаги 6 дона фотосуратларни топширишлари лозим.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч 6 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Физкультурная кўчаси, 82-уй (3, 18, 26, 50 ва автобуслар, 2, 6, 13 троллейбуслар, 9, 11, 14, 24 трамвайларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).


Собир Раҳимов район халқ маориф бўлими, касаба союз ташкилоти ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси

**Ориф АЛИМОВНИНГ**

вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдирадилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
14 АВГУСТ, 1971 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП УЗБЕКИСТАНА и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими 33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР А—2630. Р—02718.